## ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

20 22 йил "5" январ 030021 -сон Ширин ш
Т(Ш)ЭТК номи

Сирдарё ХЭТК АЖ асосида фаолият юритувчи Ширин ШЭТК (туман(шахар) электр таъминоти корхонасининг номи) раҳбари А.Хидиров (туман(шахар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.) (кейинги ўринларда "Корхона" деб аталади) бир томондан ҳамда низоми асосида фаолият юритувчи ветеринария хизмати (истеъмолчининг номи) раҳбари М. Жониқулов (истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.) (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), ҳисоб рақами – 0 3 0 0 21 иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини

уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

### II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 900 кВт.с. реактив ______ кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 450 сўмни, тариф бўйича ______ ташкил этади.
*тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган, ( кераклиси ёзилсин)*

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик хажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини хисобга олиш асбоблари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан Бюро билан хамкорликда бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

### III. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи **(бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно)** электр энергияси учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:



Электр таъминотининг шартномасига
7 - илова

### Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича ДАЛОЛАТНОМА

Истеъмолчининг ______ иштирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи қуйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

| Т/р № | Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи* | Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт) | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| 3. | | | |
| 4. | | | |

Жами: ______ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнғин, заҳарланиш ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.*

*б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)*

Технологик бронни чеклаш босқичлари:
I босқич ______ кВт
II босқич ______ кВт
III босқич ______ кВт
IV босқич ______ кВт

2. ______ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб қуйилади.

| Т/р № | Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи* | Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт) | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| 3. | | | |
| 4. | | | |

Жами: ______ кВт

* *а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёритгичлари юкланиш остида қолдирилади.*

*б) Ёнғинга қарши захира насослар ва бошқа ёнғинга қарши агрегатлар авария бронига кирмайди (ушбу агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан Корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).*

**Имзолар:**

**Истеъмолчи:** ______ М.Ў. (Имзо)

**Корхона:** ______ М.Ў. (Имзо)

SHIRIN SHAHAR ELEKTR TA'MINOT KORXONASI